

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ЗУХРИДИНОВНА

**ЮЗНИНГ ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ЧАНДИҚЛАРИНИ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юсупова Дилдора Зухридиновна

Юзнинг операциядан кейинги чандиқларини профилактикаси
ва даволаш.....3

Юсупова Дилдора Зухридиновна

Профилактика и лечение послеоперационных рубцов
лица.....27

Yusupova Dildora Zuhridinovna

Prevention and treatment of postoperative facial scars51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ЗУХРИДИНОВНА

**ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ЧАНДИҚЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКАСИ
ВА ДАВОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИТОШКЕНТ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib496 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsd.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаев Шариф Юлдашевич,**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мирзакулова Ульмекен Рахимовна.** тиббиёт
фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

Амануллаев Рустам Азимжанович. тиббиёт
фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Москва стоматология тадқиқот
институти (Россия Федерацияси).**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: uzmedicine@mail.ru; факс: (+99871) 230-47-99.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А.Шукурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ маълумотлари бўйича, «...жароҳатлар ва жарроҳлик амалиётларидан сўнг 100 млн.дан ортиқ беморларда турли хил майдонли ва локализациядаги чандиқлар қолади...»¹ ва куйганларнинг 10-15%да келлоидли еки гипертрофик чандиқларнинг шаклланиши билан кечадиган бириктирувчи тўқиманинг ортиқча ўсиш жараёни кузатилади. Патологик чандиқлар 10-30 ёш оралиғидагиларда кўпроқ намоён бўлади. Яъни, барча келлоидли чандиқларнинг 62,8% болаларда қайд этилган бўлиб, популяцияда 31,8%и катта ешдаги аҳоли тўғри келади. Пластик жарроҳлик амалиётлари учун госпитализацияланган беморларнинг сони сезиларли (48%гача) ошди, уларнинг 22,8% эса таянч-харакат аппарати функциясининг кескин чегараланиши натижасида ногирон бўлиб қоладилар. Чандиқли деформацияли ва контрактурали беморларнинг реабилитацияси реконструктив ва пластик жарроҳликнинг муҳим ва долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади ҳамда бундай беморларни даволашга бағишланган масалалар чуқур муҳокамага муҳтож ва клиника йўналишдаги шифокорлар орасида қизиқиш уйғотади.

Дунеда операциядан кейинги чандиқлари бўлган беморларни реабилитация усулларини ўрганиш мақсадида кўп сонли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда гипертрофик чандиқларни коррекция қилишнинг кенг турдаги, жумладан физиотерапевтик усулларини куллаш; микрокристаллик ва механик дермабразия усулидан фойдаланиш; лазер ёрдамида абляция – лазерли дермабразия усулидан фойдаланиш самарадор деб ҳисоблайдилар. Бу усуллар фақатгина рельефни текислашга олиб келадилар, муаммони тўлиқ бартараф этмайдилар, шу билан бирга шикастловчи усуллар бўлиб ҳисобланади ва қатор ножўя таъсир кўрсатиши мумкин, бу уларнинг кенг қўлланилишини чегаралайди. Операциядан кейинги чандиқлари бўлган беморларни даволаш ва олдини олиш тиббиётнинг долзарб илмий ва амалий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, операциядан кейинги асоратларни камайтириш, шунингдек мазкур патологияли беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни кўрсатиш борасида кенг қамровли ишлаб олиб борилмоқда ҳамда «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Бу борада, операциядан кейинги асоратларни, жумладан патологик қўпол чандиқларни самарадор даволаш, олдини олиш ва вақтида ташхислаш, илмий-

¹ ЖССТ маълумотида кўра, 2013

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

тадқиқот изланишларни талаб этадиган долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чандиқларни даволаш эстетик тиббиётнинг энг мураккаб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хар бир усул ўз афзалликлари ва камчиликларига эга, лекин энг яхши натижага комплекс даवони қўллаган ҳолда эришиш мумкин. Шу сабабли, самарали даволаш усуллари ва услублари доимий равишда изланмоқда. Рибченко В.В., Старостин О.И., Трусов А.В. ва б., (2018) болаларни чуқур куйишларида жорроҳлик даволаш тажрибасини тақдим этмоқдалар. Юзнинг тотал чуқур куйишлари хирург учун энг мураккаб клиник вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Куйиш жароҳатининг ўткир даврида хирургик тактиканинг самарадорлигига бемор ҳаётининг сифати, шунингдек даволашнинг кейинги босқичлари ўтказиш мураккаблиги чамбарчас боғлиқдир. Ишда, тананинг умумий майдонининг 60% юзасида чуқур куйишлари ва термоингаляцион шикастланишлари бўлган беморнинг юз соҳасини даволашда, эндоэкспандер ёрдамида дастлаб чўзилган, уч қаватли тери трансплантатини қўллаш ҳодисаси тасвирланган.

Ўзбекистонда бугунги кунда операциядан кейинги патологик чандиқларни даволаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу асоратлар йирингли яллиғланишлар, жароҳатлар, ирсий мойилликлар туфайли юзага келади. Кўп йиллар мобайнида кўпгина муаллифлар томонидан ушбу муаммони ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилган. Муаллифлар юз соҳаси чандиқларини самарали даволаш усули сифатида эпидермис ва дерманинг акустик зичлиги ва қалинлиги нормал миқдорга яқинлашишида ифодаланган ҳамда микроциркуляцияни яхшиловчи, терининг эпидермо-дермал тузилмасига ижобий таъсир кўрсатувчи RF-микроигна ва фракцион фототермолиз усули кўриб чиқилган. Атрофик чандиқларни коррекцияси натижалари таҳлилида энг ижобий динамика RF-микроигна усули қўлланилганидан сўнг кузатилган (А.М.Талибова, С.А.Абдуллаев, 2020). Атрофик чандиқлари бўлган беморларни даволашдаги инновацион усуллар ўз ичига: кимёвий пилинг, дермабразия, абляцион ёки ноабляцион лазерли

шлифовка, филлерларни юбориш ва хирургик усулларни олади (Колчева П.С., Талибова А.М., Стенько А.Г., 2020). Бу қўлланиладиган усуллар бир қатор камчиликларга ҳам эга. Шу сабабли, мазкур муаммонинг моҳияти ва амалий аҳамиятини ўрганиш мақсадида янги тадқиқотларни ўтказиш муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлиги асосланади.

Шундай қилиб, маҳаллий ва ҳорижий адабиётларни таҳлили юз ва бўйин терисидаги чандикли ўзгаришларни даволаш ва профилактикаси муаммосининг чуқурлигини кўрсатади, бу ўз навбатида мазкур тадқиқотни ўтказишга асос бўлиб хизмат қилади. Юқорида баён этилганлар эса, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 01190023 «Ташқи муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олиб, юз-жағ соҳаси нуқсонлари, деформациялари, яллиғланиш жараёнлари ва жароҳатлари, ўсмалари бўлган беморларни ташҳислаш, даволаш ва реабилитациясига замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2020-2025 йй).

Тадқиқотнинг мақсади юзнинг операциядан кейинги жароҳатларни битиш жараёнини муқобиллаштиришда редермализацияловчи терапияни қўллаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

реконструктив-пластик ва эстетик операциялар ўтказгандан сўнг патологик чандиқларни ҳосил бўлиши кўринишидаги операциялан кейинги асоратлар ҳолатларининг ретроспектив таҳлилини ўтказиш;

экспериментал хайвонларда ҳосил қилинган чандикли тери намуналарида редермализацияловчи терапия таъсири остида ўзига хос сукцинат сақловчи рецепторларни аниқлаш ҳамда хужайраларнинг миқдори ва морфологик хусусиятларини баҳолаш;

юзида чандиқлари бўлган беморларда гемостаз тизими томир-тромбоцитар бўғинининг кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

ультратовушли текшириш ўтказишда эхосонограмма бўйича юзларида келлоидли ва гипертрофик чандиқлари бўлган беморларда операциядан кейинги эрта ва кечиктирилган даврларда редермализацияловчи терапия натижаларини баҳолаш;

редермализацияловчи терапия ёрдамида комплекс даволанган беморларни натижалар билан қониққанликлари ва хаёт сифати ўзгаришларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, 2017-2020 йиллар мобайнида, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг умумий хирургия бўлимида ва Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг юз-жағ жарроҳлиги бўлимига мурожаат этган, 18-77 ёшдаги 60та бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида операциядан кейинги чандиқларининг турли шакллари мавжуд беморларни даволаш жараёнида веноз қон, чандиқ тўқима, анкета маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда морфологик (биопсия), цитологик, клинко-лаборатор (қоннинг иммунофермент таҳлили, соноэластография, доплерография, УТ тадқиқоти), инструментал ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажрибадаги экспериментал бирламчи жароҳлик жароҳатида сукцинат натрийни янги ҳосил булган чандикларни морфологик тузилишига ва рецепторларнинг сукцинатли спекторларига ижобий таъсири исботланган;

чандикларни шаклланиши жараёнига аралашувлар учун кенгайтирилган имкониятларни беришида редермализация усули сукцинат рецепторлари орқали коллаген ишлаб чиқариш ва деградацияси ўртасидаги мувозанатни сунъий равишда тартибга солиши аниқланган;

чандикларни антигипоксанти билан даволаганда қонда эндотелий ўсиш омилларининг даражаси ортиши ва яра бўшлиғида ангиогенез жараёнининг фаоллашуви исботланган;

патологик чандикларни профилактикаси ва даволашда чандикли тўқимада гипоксия даражасини пасайишини таъминлаш учун сукцинат натрийни қўллаш самарадорлиги исботланган;

гемостаз тизимининг томир-тромбоцитар бўғинининг кўрсаткичлари операциядан кейинги патологик чандик қўринишидаги асоратларни башоратлашда асосий диагностик тамойил эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тавсия этилган редермализацияловчи терапия усули операциядан кейинги яраларнинг битишини барча босқичларида экспансияни камайишига олиб келиши ва чандикларнинг ташқи қўриниши – ранги, қалинлиги, баландлиги ва контурларига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган;

юз чандиклари турини ташхислаш ва чандикли шикастланишларнинг барча ноъмалум клиник қўринишларида даволаш тактикасини танлашда ультратовушли солоэластографияни ўтказиш лозимлиги исботланган;

таклиф этилган ноинвазив редермализацияловчи усулнинг рационал қўлланилиши яхши клиник самарага эришиш, рецидивлар сонини камайтириш, ижтимоий ва иқтисодий самарага эришиш имконини бергани асосланган;

ишлаб чиқилган даволаш ва профилактика усулини терининг чандикли ўзгаришларида қўлланилиши юздаги хирургик аралашувлар натижаларининг сифатини яхшилагани исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, чандикли тўқима ривожланишининг умумий морфологик, иммуногистологик

омиллари, қон оқимидаги гемостазнинг биокимёвий ўзгаришларини ўзига хос хусусиятлари аниқланган, ўтказилган хирургик амалиётлардан сўнг патологик чандиқларни ҳосил бўлишини профилактикаси усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти юзида чандиқлари бўлган беморларда аниқланган клиник-биокимёвий ўзгаришларни коррекция қилиш имконияти, шунингдек таклиф қилинган операциядан кейинги чандиқларни даволаш ва профилактика усули яхши клиник самарага эришиш, рецидивлар сонини камайтириш, ижтимоий ва иқтисодий самарага эришиш имконини бергани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Операциядан кейинги чандиқларни профилактикаси ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

беморларни юз-жағ соҳаси операциясига амалиёт олди тайёргарлик усулини ишлаб чиқишга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Операциядан кейинги патологик чандиқларни ҳосил бўлишини профилактикаси учун редермализацияловчи терапия усули” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 июндаги 8н-д/589-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморларни жарроҳлик усулида даволаш сифатини ошириш имкониятини берган;

операциядан кейинги патологик чандиқларни морфологик кўрсаткичларини ўрганишга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Операциядан кейинги патологик чандиқларни редермализация турига қараб морфологик кўрсаткичларини сукцинат сакловчи препарат ёрдамида баҳолаш” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 июндаги 8н-д/588-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома юзнинг патологик чандиқларини эрта ташҳислаш ва клиник кечишини инобатга олган ҳолда даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳри Тиббиёт бирлашмаси, Тошкент давлат стоматология институти клиникаси ва Doctor Khasanov Stoma servis МЧЖ даволаш-профилактика муассасаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги 8н-з/239-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши кўпол патологик чандиқларни ҳосил бўлиш хавфини пасайтириш, операциядан кейинги узоқ ва яқин муддатларда асоратлар сонини камайтириш, беморларни стационарда даволаниш давомийлигини ва бюджет харажатларини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **"Турли этиологиядаги юздаги чандикларни олдини олиш ва даволаш муаммосининг замонавий ҳолати"** деб номланган бобида мавзу бўйича адабиётлар маълумотларининг таҳлиliga бағишланган ва бешта кичик бобдан иборат. Патологик чандикларни ривожланиши, тарқалувчанлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, хорижий ва маҳаллий олимларнинг ташхислаш ва даволашдаги замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Мавжуд даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида маълумотлар келтирилган: гормон терапияси, кристалланиш, физиотерапия. Жарроҳлик даволаш усулларининг турлари ва хусусиятлари кўрсатилган. Патологик юз чандикларини хирургик ва терапевтик даволашни муқобиллаштириш ва ташхислаш мезонларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарилган. Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулоса билан якунланади.

Диссертациянинг иккинчи **"Натрий сукцинатни сакловчи препаратни операциядан кейинги чандиклар ҳолатига таъсирининг самарадорлигини текшириш материаллари ва усуллари"** деб номланган бобида Самарқанд тиббиёт институти экспериментал лабораториясида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар, шунингдек, Тошкент тиббиёт Академияси умумий хирургия кафедраси ва Тошкент Давлат стоматология институти клиникасида 18-77 ёшдаги 60та бемор орасида ўтказилган клиник тадқиқотлар маълумотлари келтирилган.

Ушбу мақсадга эришиш учун редермализация терапиясининг қўпол чандикларни шаклланишига таъсири экспериментал баҳоланди.

Модел сифатида, 18 та зотсиз, ок, эркак каламушлар ишлатилган. Ҳайвонларнинг тана вазни 140-205гр. ташкил этди. Виварийдаги каламушлар Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган, санитария-гигиена талаблари бўйича стационар шароитда бўлишган.

Каламушлар 50x30x24см ўлчамдаги, симли қопқоқли пластик контейнерларда сақланган. Тажриба бошланишидан олдин хайвонлар 10 кун давомида карантин назорати остида бўлган.

Кўйилган мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқотдаги беморларнинг умумий сони тасдиқланган клиник ташхислар бўйича уч гуруҳга бўлинди (1-расм).

Барча беморларга умумий ва махсус тадқиқот усуллари ўтказилди. Умумий клиник кўрик ўз ичига: шикоятлар, анамнез, объектив тадқиқот маълумотлари таҳлил қилишни, шунингдек, стандарт лаборатор ва инструментал усулларни олган. Барча беморларда тромбоцитлар сони гематологик анализаторда ҳисобланди. тромбоцитларнинг адгезив ва агрегацион хусусиятлари фазали контраст микроскоп ёрдамида визуал аниқланди. Протромбин вақтининг давомийлиги коагулометрик усулда, АЧТВ реагентлар ёрдамида аниқланди. Қон зардобидаги васкулоэндотелиал ўсиш омили даражасини аниқлаш иммунофермент таҳлил усулида амалга оширилди. Интерлейкинлар миқдорини аниқлаш ИФА усулида амалга оширилди.



1-расм. Қўлланилган даво усули бўйича беморларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши

Терининг ултратовушли текшируви беморлар “чандикли деформация” ташхиси билан касалхонага қабул қилинганида операциядан олдин ва кегин ўтказилган.

Терини текшириш, Dermcup atys medical (Франция), датчик частотаси 20-40 МГц ва Logiq 9 (АҚШ), датчик частотаси 12 МГц. ултратовуш аппаратлари ёрдамида босқичма-босқич бажарилган.

Аввал, 20-40 МГц нурланиш частотали датчик ёрдамида чандикли деформация соҳасидаги тери қопламаси текширилди. Датчик тери юзасига қатъий перпендикуляр равишда ўрнатилди. Жароҳатланган соҳадаги чандикли-ўзгарган тери қопламасининг қалинлиги (эпидермис қалинлиги ва

чандиқ тўқималарининг қалинлиги), тери қатламларининг дифференцировка даражаси, эхогенлиги ва таркибий хусусиятлари, зарарланган ҳудудда уларнинг бир хиллиги баҳоланди. Меъёр кўрсаткичи сифатида беморлар терисининг соғлом ва симметрик соҳалари ҳисобланди.

Барча текширилган беморларда тромбоцитлар миқдори гематологик анализаторда ҳисоблаб чиқилди. тромбоцитларнинг адгезив ва агрегацион хусусиятлари Т.А.Шитикова (1997) га бўйича фазали контраст микроскоп ёрдамида визуал аниқланди. Протромбин вақтининг давомийлиги коагулометрик усулда, АЧТВ НПО "РЕНАМ" (Россия) реагентлар тўплами ёрдамида аниқланди. Қон зардобидаги васкулоэндотелиал ўсиш омилининг даражаси БиоХимМак (Россия) реактивлар тўпламини қўллаган ҳолда иммунофермент анализ билан ўтказилди. Интерлейкинлар миқдори ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаси бўйича, "Вектор-Бест" (Новосибирск) реагентлари тўплами ёрдамида ИФа усулида аниқланди.

Қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, юзида патологик чандиқлари бўлган беморларда ультратовушли солоэластографиянинг диагностик информативлиги қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: сезувчанлиги, ўзига хослиги ва аниқлиги.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Excel 2002 дастури ёрдамида амалга оширилди. Ўртача танлов ва ўртача хатолик ($M \pm m$) ҳисоблаб чиқилди. Фарқлар ҳаққонийлиги Стъюдентнинг t -критерийси бўйича баҳоланди. Солиштирилаётган кўрсаткичлар фарқи $p < 0,05$ да ишончли натижалар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг учинчи **"Натрий сукцинат асосидаги препаратни қўллаш самарадорлигининг экспериментал ва клиник тадқиқотлар натижалари"** деб номланган бобида экспериментал ва клиник текшириш натижалари келтирилган. Терининг репаратив хусусиятларини тиклаш мақсадида сукцинат сақловчи Nyualal препаратини амалий қўлланишнинг легитимлигини асослаш зарурияти туфайли тадқиқот бошланди.


1. Интакт каламушлар ва сукцинат сақловчи Nyualal препарат билан тери ичи инъекция курсини ўтказган тери намуналаридан Вестерн-блотанализ усулини қўллаган ҳолда SUCNR1 (специфик сукцинат рецептор) аниқланди.
2. Назорат ва тажриба гуруҳларида тери хужайраларининг морфологик хусусиятлари баҳоланди.

Тажриба бошланган куни ҳайвонларни қўшимча текшириш ва вазн ўлчови ўтказилди. Тажрибалар эрталаб соат 10 да бошланди. Барча ҳайвонлар режали даволаш усулига қараб 3 гуруҳга (I-III) бўлинди. Назорат гуруҳини соғлом тери юзасига эга бўлган 10 та лаборатория ҳайвонлари ташкил этди (1-жадв.).

Аввал ҳайвонларнинг ишчи юзаси юнгдан тозаланди (2-расм). Сўнгра, терининг барча қатламларида жарроҳлик кесимлар бажарилди ва чоклар куйилди (3-расм). Препаратлар ингичка игна билан тери орасига юборилди.

Гуруҳлар бўйича тажрибани ўтказиш вақти.

| Гуруҳ | Таъсири | Тажриба муддати, Хайвонлар сони | | | | |
|-------|------------------------|------------------------------------|--------|--------|---------|-------|
| | | 7 кун | 30 кун | 90 кун | 180 кун | 1 йил |
| 1 | HYALUAL 1,1% | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| 2 | Физиологик эритма 0,9% | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 |




2-расм. Тажриба хайвонининг бел соҳасидаги терисини тайёрлаш


Жарроҳлик материалининг морфологик текширувида, эпидермисга паралел ҳолда жойлашган ва тўлқинли конфигурацияга эга бўлган кучли коллаген толаларининг тўпламлари аниқлади (4-расм). Фибробластлар ва фиброцитларнинг ёш шакллари коллаген ва эластик толалар тўпламларига мувофиқ бўйлама ўқи бўйича йўналтирилган.

Эластик толалар яқка тўпламлар билан ифодаланганди. Микроциркулятор кон томирлар текширилганда периваскуляр яллиғланиш инфильтратлари ҳисобига айрим капиллярлар ва артериолалар деворларининг қалинлашиши қайд этилди. Натижада, уларнинг ёруғи кескин торайган эди, баъзи ҳолларда эса қисман ёки тўлиқ облитурацияга учраганди (5-расм).

Гистологик текширувда микроциркулятор томирлар гипертрофик чандиқли тўқимада нисбатан бир текис бир тақсимланганлиги ҳам аниқланди. Бирок, ультратовушли визуализация учун аниқланган томирларнинг диаметри, эҳтимол, етарли бўлмаган ҳажмда бўлган.



3-расм. Каламуш тўқималарида тажриба йўли билан қилинган жарроҳлик чандиғи



4-расм. Эпидермисга параллел жойлашган ва тўлқинсимон конфигурацияга эга бўлган коллаген толалари тўпламлари

Натижада, тақдим этилган барча чандиқ тўқималарининг намуналари морфологик тасвири ультратовуш маълумотларига тўлиқ тўғри келадиган гипертрофик чандиққа мос келди.


Учинчи гуруҳ каламушларидан олинган чандиқларни гистологик текширувида коллаген толалар тўпламларининг хаотик тартибда жойлашгани аниқланди. Эластик толалар умуман мавжуд эмасди. Чандиқли тўқиманинг кўпчилик томирларида яққол деструкция белгилари ва кўпгина капиллярлар намоён бўлди. Чандиқлар атрофида томирлар спазмланган ва облитерацияга учраган эди.

Каламушларнинг чандиқ соҳасидаги дерма тўқимасига HYALUALнинг таъсирини экспериментал ўрганишда ижобий натижа олинди (6-расм).

Ишнинг клиник қисми юзида патологик чандиқлари бўлган 60та бемор ва уларнинг гемостаз кўрсаткичларининг таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Беморларнинг ўртача ёши $43,8 \pm 1,5$ ёшни ташкил этдт. Эркаклар ва аёллар нисбати 1:1,48га тенг бўлди. Чандиқларнинг энг кўп учраши (66,6%) 21 ёшдан 50 ёш оралиғидаги беморларда кузатилди. Клиник шакллари орасида гипертрофик

чандиқ ва келлоидли чандиқ мос равишда 78,8% ва 14,1% ҳолларда кузатилди. Нормотрофик ва атрофик шакллар камроқ кузатилди (5,1% ва 1,0% мос равишда).



5-расм. Баъзи капиллярлар ва артериолалар деворларининг қалинлашиши



6-расм. NYALUALпрепаратини чандиқ соҳасига юборилишининг муваффақиятли натижаси

Биринчи гуруҳ беморларида инъекция тери майдонини-чандиқни антисептик эритмалар билан ишлов берилганидан сўнг амалга оширилди. Кейин препарат дерманинг ўрта қатламига юборилиб, "папулалар" ҳосил қилинди (7-расм). Ушбу препарат ёрдамида турли локализация ва катталиқдаги (ўртача майдони $231,5 \pm 70,6 \text{ см}^2$) 20 та чандиқ даволанди. Ҳар бир алоҳида белги бўйича тафавут кузатилмади, лекин 2 ҳафтадан сўнг, беморларда ижобий ўзгаришлар қайд этилди: чандиқ тўқимасининг юмшаши, қичишишнинг камайиши, чандиқ соҳасида гиперпигментация ва яллиғланиш аломатларини камайиши. Чандиқнинг клиник шакли, ёши, майдони ва чуқурлигига асосланиб, турли концентрациядаги NYALUAL эритмалари қўлланилди. Келлоид чандиқларни коррекцияси учун тавсия этилган

концентрация 0,5–1 мг/мл, гипертрофик учун эса 0,1–0,2 мг/мл ни ташкил этади.




7-расм. HYALUAL препараты

HYALUAL инекция шаклида қўлланилганидан 1 ой сўнг, статистик аҳамиятли натижа йўқлигигага қарамасдан, чандиқ тўқимасининг прогрессивлашиши субъектив равишда секинлашди, қичишиш ва парестезия камайди, кичик яралар ва эксориациялар эпителизацияланди (8-расм). Чандиқ соҳасидаги бурма қалинлиги 1 ойдан сўнг ўртача $4,3 \pm 1,5$ дан $3,7 \pm 1,7$ мм гача ҳаққоний камайди ($p < 0,05$).

HYALUALни бир ой давомида қўллаш натижасида қуйидаги статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$) ўзгаришлар кузатилди: чандиқ тўқимасининг прогрессивлашиши секинлашди; қичишиш ва парестезия камайди; кичик яралар ва эксориация эпителизацияланди; пигментация камайди; соғлом терига нисбатан чандиқнинг бўртиб туриши камайди; чандиқларнинг бир текислиги ошди; бурманинг қалинлиги камайди (3-жадвал).

2 гуруҳ беморларида, чандиқ коррекцияси учун дипроспан эритмаси дорили электрофорез усули билан амалга оширилди. Даволовчи электрод анод бўлиб, катоднинг электрон таглиги физиологик эритма билан намланган. Токнинг зичлиги $0,05 \text{ mA/cm}^2$ дан ошмаслиги лозим. Муоложанинг давомийлиги 20-25 дақиқа, курс давомийлиги – 10-15та муолажа. Муолажаларнинг даврийлиги: хар куни ёки кун ора, куннинг бир вақтида. Курслар оро интервал 7-10 кун.



8-расм. Бемор К., 30 ёш, HYALUАЬLь препаратини қўлланилишидан олдин ва кейинги ҳолат. (1 назорат гурухи)

2-жадвал

Редермализацияловчи терапиядан сўнг чандиқли тўқима кўрсаткичларининг ўзгаришлари

| № | Чандиқ белгиси | Балл | | |
|----|-------------------------|------------------|----------------|----------------|
| | | Даволашдан олдин | 1 курсдан сўнг | 2 курсдан сўнг |
| 1 | Қалинлиги, мм | 2,44±0,18* | 2,11±0,24 | 1,33±0,23* |
| 2 | Қалинлиги бир текислиги | 1,39±0,30* | 1,39±0,30 | 0,67±0,18* |
| 3 | Васкуляризация | 2,00±0,18 | 1,78±0,17 | 1,83±0,19 |
| 4 | Пигментация | 0,67±0,27* | 0,61±0,72 | 0,35±0,27* |
| 5 | Консистенцияси | 1,17±0,26 | 1,06±0,22 | 0,61 ±0,18* |
| 6 | Изъязвлениа | 0,22±0,10* | 0,00±0,10 | 0,00±0,10 |
| 7 | Харорати, °С | 1,44±0,27 | 1,23±0,19 | 0,91±0,11 |
| 8 | Кичиш ва парестезия | 2,00±0,18 | 1,39±0,18 | 0,61±0,14* |
| 9 | Прогрессивланиши | 1,67±0,16 | 0,89±0,14 | 0,28±0,11* |
| 10 | Сезувчанлиги | 0,83±0,17 | 0,83±0,17 | 0,58±0,16 |
| 11 | Бурма қалинлиги | 5,6±0,26* | 5,2±0,18 | 4,3±0,10* |

Изоҳ: * - статистик аҳамиятли фарк (p<0,05)

Дипроспан билан электрофорез ёрдамида турли локализация ва катталиқдаги 20 та чандиқ даволанди (ўртача майдони 260,7±43,7см² ташкил этди). Электрофорезнинг 1-курсидан кейинги ўзгаришлар (10та муолажа):

васкуляризациянинг пасайиши ҳисобига чандиқ рангининг бироз очариши, чандиқ тўқимасининг зичлиги ва ҳаракатчанлигининг камайиши. Қичишиш ва чандиқнинг ўсишини прогрессивланиши ўзгаришсиз (9-расм).



**9-расм. Бемор А., 38 ёш. 2-назорат гуруҳи:
а- пешона соҳаси гипертрофик чандиғи; б-чандиқлар жарроҳлик
усулида олинганидан сўнг; в- чандиқлар олинганидан ва дипроспан
юборилгандан сўнг 25-куниги ҳолати**

Электрофорез 1 ой қўлланилганидан сўнг (10 кун танаффус билан 10 кундан 2та даво курси) яллиғланиш, қичишиш ва парестезия, ҳароратдан ташқари барча кўрсаткичлар статистик жиҳатдан сезиларли даражада ўзгарди, улар статистик жиҳатдан ($p < 0,05$) 1 курс электрофорездан кейин пасайиш тенденсияси билан айнан даражада қолди (3-жадвал).

Муолажалар ўтказилмаган 3 гуруҳ беморларида ($n=20$) чандиқнинг ҳолати баҳолаш шкаласининг ўнта параметрига кўра сезиларли даражада яхшиланмаган.

Олинган натижаларга асосланиб, биз қуйидаги хулосага келдикки, биринчи гуруҳдаги барча беморлар патологик белгиларнинг сезиларли субъектив пасайишни қайд этишди: чандиқларнинг майдони ва қалинлигининг камайиши, чандиқ соҳасида оғриқларни, қичишишни ва парестезияни сезиларли даражада камайтириш ёки йўқолиши, ҳаёт сифатини яхшилланишини.

3-жадвал

Гормонал терапиядан сўнг чандиқли тўқима кўрсаткичларининг ўзгаришлари

| № | Чандиқ белгиси | Балл | | |
|----|-------------------------|------------------|----------------|----------------|
| | | Даволашдан олдин | 1 курсдан сўнг | 2 курсдан сўнг |
| 1 | Қалинлиги, мм | 2,76±0,23* | 2,65±0,22* | 1,58±0,29* |
| 2 | Қалинлиги бир текислиги | 1,65±0,28* | 1,45±0,18 | 0,96±0,18* |
| 3 | Васкуляризация | 2,87±0,32* | 1,92±0,19* | 1,27±0,18* |
| 4 | Пигментация | 2,18±0,29* | 1,97±0,12 | 1,37±0,27* |
| 5 | Консистенцияси | 2,57±0,26* | 1,88±0,20* | 0,96±0,24* |
| 6 | Изъязвления | 0,23±0,13* | 0,00±0,10* | 0,00±0,10 |
| 7 | Харорати, °С | 2,03±0,17 | 1,75±0,14 | 1,56±0,22 |
| 8 | Кичиш ва парестезия | 2,13±0,31* | 1,14±0,18* | 0,89±0,14 |
| 9 | Прогрессивланиши | 2,47±0,22* | 1,45±0,19* | 0,68±0,18* |
| 10 | Сезувчанлиги | 1,33±0,25* | 0,98±0,15 | 0,65±0,11* |
| 11 | Бурма қалинлиги | 6,7±0,32* | 5,9±0,25 | 4,9±0,2* |

Изох: * - статистик аҳамиятли фарқ (p<0,05)

Мазкур жараённинг барча босқичларида диагностик маркерлар ёрдамида яраларни битиш механизмини ўрганиш ва шу асосида келлоид ва гипертрофик чандиқларни даволаш усулини ишлаб чиқиш, пластик ва реконструктив жарроҳликнинг энг мураккаб муаммоларидан биридир. Шунинг учун, биз яраларни битиш жараёнларида, босқичма-босқич, патогенетик асосланган диагностик усулларидадан фойдаланган ҳолда яраланиш жараёнларини ўрганиш ва олинган тадқиқот натижаларига асосланиб, яраланиш жараёнини даволашда илмий асосланган комплекс ёндашувдан фойдаланиш ва шу билан келлоид ва гипертрофик чандиқларнинг ривожланишига қарши курашишга қарор қилдик.

Томирларнинг шикастланиши ва ярадан кетиши натижасидаги жароҳатдан сўнг, гемостаз босқичида томирларнинг торайиши ва қон қуйқасининг шаклланиши кузатилади. Текширилган беморларда жарроҳлик аралашувидан сўнг, эндотелиал хужайралар дисфункцияси фонида томир деворларининг субэндотелиал қатламининг коллаген толаларида тромбоцитлар адгезияси, фаоллашуви ва агрегацияси содир бўлади. Тромбоцитлар адгезия ва агрегацияси қон томирлари оқимига биологик фаол моддаларнинг катта миқдорини ажралишига олиб келади. Гемостаз тизимининг қон томир-тромбоцитлар бўғинининг фаоллашуви коагуляция гемостазини ҳам келтириб чиқаради, бу эса атрофдаги шикастланган қон томир тўқималаридан ажратиладиган тромбопластинали субстанциялар билан асосланади. Гемостаз вақтида ҳосил бўлган қон қуйқаси фибрин, еритроцитлар, тромбоцитлар ҳамда фибронектин, витронектин ва тромбоспондин каби хужайрадан ташқари матрица оқсилларидан иборат.

Гемостаз жараёнида ҳосил бўлган қон қуйқаси микробли инвазиядан ҳимоя ва ҳужайраларни бириктирувчи матрица сифатида хизмат қилади. Олинган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, операциядан кейинги даврда кузатувдаги шахслар қонида АЧТВ кўрсаткичи вақтини соғлом шахсларникига нисбатан қисқаришида намоён бўладиган, гемостаз тизимининг коагуляцион бўғинини фаоллашуви Хагеман боғлиқ фибринолиз вақтини узайиши билан кечади (4-жадвал).

4-жадвал

Гемостаз босқичида юз травмасидан кейин беморларда гемостаз тизимининг қон томир-тромбоцитлар алоқаси кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Соғлом одам n=20 | Жароҳатдан сўнг n= 20 |
|---|---------------------|-----------------------------|
| Десквамироланган эндотелиоцитлар (кл./100мкл) | 2,34±0,21 | 4,89±0,34* |
| Тромбоцитлар, -x10 ⁹ /л | 232,18±9,51 | 257,18±13.7 |
| Тромбоцитларниактив шакли микдори (%) | 12,42±0,79 | 24,13±1,34* |
| АДФиндукторига тромбоцит агрегацияси(Тма%) | 34,18±2,14 | 47,69±3,12* |
| Фибриноген,(г/л) | 3,24±0,27 | 3,31±0,29 |
| Қисман фаоллаштирилган тромбопластин вақти АЧТВ(сек). | 31,83±2,17 | 24,78±1,34* |
| ХПа- карам фибринолиз, (мин) | 7,24±0,64 | 14,32±1,17* |

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги p<0,05

Умумқабул қилинган анъанавий терапия ўтказилган комплекс терапия билан таққослаганида, у гемостаз тизими кўрсаткичларининг ўзгаришлари билан кечгани кузатилди (жадвал.5). Олинган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, асосий гуруҳ беморларида десквамирацияли эндотелиоцитлар сони камайди ва бу тромбоцитлар фаоллигини пасайишига олиб келди. Бу тромбоцитларнинг фаол шакллари микдорининг ҳаққоний пасайиши, АДФ индукторининг таъсирида уларнинг агрегацион фаоллигининг пасайиши билан ифодаланди. Шунингдек, комплекс терапияни олган асосий гуруҳ беморларида қоннинг гемореологик хусусиятларини яхшиланишини кўрсатувчи фибриноген истеъмолининг пасайиши, АЧТВ кўрсаткичи вақтини узайиши кузатилди.

Яллиғланиш босқичида ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан кўриниб турибдики, яра юзасида, операциядан сўнг дарҳол яллиғланишнинг ўткир босқичи бошланади ва ўртача 4-5 кун давом этади. Нейтрофиллар жароҳат жойига йўналиб, фагоцитоз жараёнини фаоллаштиради ва прояллиғланиш

цитокинларини ишлаб чиқади, шу билан яллиғланишга қарши жавобни кучайтиради.

5-жадвал

Гемостаз босқичида операциядан кейинги юз чандиғи бўлган беморларда гемостаз тизимининг қон томир-тромбоцитлар алоқаси кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Операциядан кейинги даврда юздаги чандиқли шахсларни даволаш n=40 | |
|--|--|--------------------------|
| | Анъанавий терапия n=20 | Комплекс терапия n=20 |
| Десквамироланган эндотелиоцитлар (кл./100мкл) | 3,78±0,16 | 2,47±0,21* |
| Тромбоцитлар, -x10 ⁹ /л | 174,23±11,9 | 229,45±12,81 |
| Тромбоцитларни актив шакли микдори (%) | 19,11±1,24 | 13,56±1,48 |
| АДФиндукторига тромбоцит агрегацияси (Тма%) | 40,12±2,78 | 35,09±3,43 |
| Фибриноген, (г/л) | 4,21±0,38 | 3,08±0,27 |
| Қисман фаоллаштирилган тромбопластин вақти АЧТВ (сек). | 26,58±2,81 | 31,13±2,51 |
| ХПа- карам фибринолиз, (мин) | 12,17±0,84 | 8,17±0,73 |

Еслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги p< 0.05

Олинган тадқиқот натижаларининг таҳлилли яллиғланиш босқичида беморларнинг қонида прояллиғланиш цитокинларининг сонини ортишини кўрсатди. Таъкидлаш керакки, нейтрофилларнинг ярада узок вақт мавжудлиги ўткир яраларнинг сурункали шаклларга айланишининг омили бўлиши мумкин. Шунинг учун, қисқа вақт сўнг, циркуляцияловчи моноцитлар ва семиз хужайралар, жароҳат жойига кўчиб, макрофагларга дифференцияланишади. Макрофаглар ўз навбатида, апоптозли нейтрофилларни ва бошқа ўлган хужайраларни бартараф этади ҳамда цитокинлар ва ўсиш омилларини секреция қилади. Макрофаглар томонидан апоптотик нейтрофилларнинг фагоцитози яллиғланиш соҳасида хемокинларни йўқолишига, келгусида лейкоцитлар оқимини олдини олишга олиб келади. Макрофаглар томонидан ишлаб чиқариладиган цитокинлар ва ўсиш омиллари эндотелиал хужайралар, фибробластлар ва кератиноцитларни фаоллаштиради ва жалб қилади, шу билан хужайра пролиферацияси ва синтезини чақиради ҳамда ангиогенез жараёнини ишга туширади (6-жадвал).

Яллиғланиш босқичида биз томонимиздан ўтказилган комплекс терапия текширилган беморларнинг ўрганилган қон кўрсаткичларининг ўзгариши билан кечди. Шунини таъкидлаш керакки, яллиғланишга қарши таъсирга эга

бўлган гиалурон кислотасини қўлланилиши прояслиғланиш цитокинлари, фагоцитар фаоллик даражасининг пасайишига олиб келди ва шу билан унинг сурункали шаклга ўтишига қаршилиқ кўрсатиб, иммун тизимини қўллаб-қувватловчи ва ва яллиғланиш босқичининг давомийлигини қисқартиришда муҳим рол ўйнади. Шунингдек, гипоксия даражасини камайишида ушбу комплекс терапиянинг аҳамиятини сукцинатни қўлланганда таъкидлаш керак, чунки гипоксия кислород радикаллари ва пероксидация маҳсулотлари даражасини ортиши ҳисобига яллиғланиш жавобини кучайтиради. Комплекс терапия фонида комплемент тизимининг, нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигининг, шунингдек, қоннинг прояслиғланиш цитокинларининг фаоллигини пасайиши кузатилади (6-жадвал).

6-жадвал

Беморларда юздаги жароҳатдан сўнг яллиғланиш босқичида қон кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Соғлом одам n=20 | Жароҳатдан сўнг n= 20 |
|-----------------------------------|---------------------|-----------------------------|
| С3 мг/дл компонент комплементи | 65,4±3,81 | 84,1±5,32* |
| С5а (мг/дл) компонент комплементи | 2,33±0,11 | 3,28±0,13* |
| Фагоцитар фаоллик % | 46,7±1,48 | 68,4±2,0* |
| ИЛ-1,пг/мл | 5,29±0,38 | 8,81±0,61* |
| ИЛ-6,пг/мл | 4,05±0,31 | 9,87±0,72* |
| ИЛ-8,пг/мл | 1,74±0,13 | 6,28±0,53* |

Еслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги $p < 0.05$

Шундай қилиб, яллиғланиш босқичини пролиферация босқичига ўтишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, антигипоксанти ва гиалурон кислотасини қўллаш фонида макрофагларнинг тўғри фаолият юритиши ҳисобланади.

Грануляцион тўқиманинг шаклланиши даврида янги қон томирлари мавжуд томирлардан ривожланади (ангиогенез). Операциядан кейинги яраларни битиши учун жароҳат жойига қон оқими лозим. Етарли бўлмаган перфузия ва ангиогенез оқибатидаги узок муддатли гипоксия яранинг битишини бузилишига олиб келувчи асосий омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, клиник-лаборатор тадқиқот натижаларига кўра, натрий сукцинати ва гиалурон кислотасини қўлланилиши операциядан кейинги чандиқларнинг кенглигини ўзгаришига таъсир кўрсатди, битиш динамикасида экспансиянинг камайишига олиб келди ва чандиқларнинг ташқи кўриниши – ранги, қалинлиги, баландлиги ва контурларига ижобий таъсир кўрсатди. Юз соҳасининг юмшоқ тўқималарини операциядан кейинги яраларини битишини оптималлашуви яра битиш жараёнининг барча босқичларида кузатилди.

Диссертациянинг **"Операциядан кейинги чандиқлари бўлган беморларда турли хил усулда даволаш самарадорлигининг қиёсий аспектида ултраровуш текшируви"** деб номланган тўртинчи бобида

ультратовуш текшируви натижалари тасвирланган. Операциядан кейинги чандикли деформациялар соҳасидаги тери қаватининг ультратовуш текшириш 54 та беморларда ўтказилди.


Ультратовуш текшируви таҳлил натижаларига кўра, барча беморлар чандик турига кўра 3 гуруҳга бўлинди.

* Нормотрофик чандиклар (n=14)

* Гипертрофик чандиклар (n=30)

* Келлоид чандиклар (n=10)

1-гуруҳ беморларининг чандикларини ультратовуш текширувида чандик тўқимаси эхографик жиҳатдан соғлом тери дермасидан ультратовушли тасвири бўйича деярли фарқ қилмаслигини аниқланди. Зарарланган соҳадаги терининг барча қатламлари ўзаро аниқ дифференцирланиб, уларнинг эхогенлиги ва тузилиши бир хил бўлган ва нормал терининг эхогенлиги ва тузилишидан фарқ қилмаган. Яғна фарқи – нормал терининг дермасига нисбатан чандик соҳасининг қалинлашуви (1,88ммдан 2,12ммгача) эди. Клиник жиҳатдан бу чандикларнинг барчаси атрофдаги тери юзасидан бўртиб турмайдиган силлик рельеф, оч ранглиги, сезувчанликнинг биров пасайганлиги чандик соҳасида ёқимсиз сезгирликнинг йўқлиги билан тавсифланди. Гипертрофик чандикларнинг ультратовушли манзараси бир қатор хусусиятларга эга эди. Чандик соҳасидаги эпидермис нормал ҳолатдагидек гомоген гиперэхогенли тузилишга эга эди, лекин унинг қалинлиги баландроқ (ўртача $0,46 \pm 0,19$ мм) эди. Хусусан, гипертрофик чандикдаги чандик соҳаси нормотрофик чандикка нисбатан (1,96ммдан 4,17ммгача) анча қалинлашган, умумий ўртача эхогенликка эга бўлган, унинг тузилиши бириктирувчи-тўқимали толаларнинг нотекис тақсимланган ҳолда гетероген бўлган. Бундан ташқари, структурада нисбатан аниқ, текис контурларга эга бўлган паст эхогенген соҳалар аниқланди, бу гистологик текширувда аниқланган тери қолдиқларининг резорбцияланган тугунларига тўғри келди. Гипертрофик чандикларни коррекциялашда юқоридаги терапия самарадорлигининг мезонлари қўлланилди, фақат "зичлашиш" даражаси баҳолашмади. Эстетик коррекцияни ўтказишга қадар эхосигналларни терида тақсимланиши бир текис, қаватларга фарқланиши кузатилмади. Тери эхогенлигининг (бириктирувчи тўқима) ортиши кайд этилди. Дерманинг чуқур қатламларида гиперэхоген аркон мавжуд. Эпидермис юзасининг контури нотекис, баъзи жойларда узиловчан кўринишга эга эди. Эпидермиснинг дермадан чегараланиши етарли даражада аниқ. Терида эхосигналларнинг тақсимланиши нотекис, қатламларга фарқланиш мавжуд эмас, бу чандикнинг қисман сўрилиш ҳақида далолат бериши мумкин (10-расм).



Расм.10. HIALUAL препаратини кулашдан олдин ва кейин гипертрофик чандиқнинг ултратовуш кўриниши

Шундай қилиб, ультратовушли сонографияси усули ёрдамида HIALUAL ёрдамида теридаги чандиқларни коррекцияси натижасида чандиқ тўқимасининг акустик зичлиги сезиларли даражада пасайиши аниқланди. Ванкувер шкаласига мувофиқ, барча беморлардаги натижа "мукамал" деб баҳоланди: чандиқ тўқимасининг акустик зичлигини 75% ёки ундан кўпга пасайган.

Диссертациянинг **"Ижтимоий тадқиқот кўрсаткичларининг таҳлили"** деб номланган бешинчи боби беморларнинг ҳаёт сифати индексини ўрганишни ўз ичига олган. Терапевтик муолажаларнинг мазкур жиҳати чандиқ нуқсонли беморлар учун жуда муҳимдир, чунки бу аввало косметик нуқсондир ва шунинг учун эстетик муаммодир.

Клиникага мурожаат қилганда, барча беморлар шахсий ҳаётида, кийим танлашда, кундалик фаолиятда муайян муаммоларга дуч келишди, яъни уларнинг ҳаёт сифати сезиларли даражада пасайганди. Усулни ва унинг моно таркибий қисмлари қўлланилганидан сўнг, ҳаёт сифати мезонларига нисбатан ижобий динамика кузатилди, аммо у чандиқ нуқсонининг турига қараб турли даражаларда намоён бўлди. Шу билан бирга, комбинацияланган усулдан сўнг ижобий динамика чандиқнинг турига ёки унинг мавжуд бўлиш давомийлигига боғлиқ бўлмади. Тавсия этилган терапия клиник яхшиланишга, яъни операциядан кейинги чандиқли нуқсонлари бўлган беморларда ҳаёт сифатини яхшилашга сезиларли даражада ёрдам берди (7-жадвал).

Жадвал 7

1-гурӯх беморларида HIALUAL ни қўллашдан олдин ва сўнгра ҳаёт сифати кўрсаткичларининг таҳлили

| Белгилар | Даволашдан олдин | Даволашдан сўнг |
|--|------------------|-----------------|
| Чандиқ соҳасидаги ёқимсиз ҳислар (қичишиш, оғриқ, санчиклар) | 1,91±0,11 | 0,37±0,05 |

| | | |
|--|--------------|--------------|
| Ўзига баҳо бериш, жумладан ўзига ишонмаслик | 1,24±0,11 | 0,32±0,04 |
| Кундалик уй ишлари | 1,21±0,07 | 0,29±0,11 |
| Кийим танлаш масалалари | 1,85±0,06 | 0,44±0,04 |
| Дам олиш | 1,56±0,04 | 0,49±0,07* |
| Жисмоний тарбия билан шуғулланиш | 2,05±0,08 | 0,53±0,05 |
| Ўқиш (иш) жараёни | 1,23±0,05 | 0,35±0,06* |
| Коммуникатив муҳит | 1,98±0,11 | 0,44±0,03* |
| Шахсий (оилавий) муносабатлар | 1,24±0,03 | 0,57±0,06* |
| Кундалик кун тартиби | 1,27±0,08 | 0,41±0,06* |
| Хаёт сифати кўрсаткичининг умумий қиймати | 15,41±1,03 | 3,68±0,11* |
| Хаёт сифати кўрсаткичининг редукцияси | 76,5% | 77,7% |

ХУЛОСА

«Юзнинг операциядан кейинги чандиклари ни профилактикаси ва даволаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Юз-жағ соҳасидаги реконструктив-пластик ва эстетик операцияларни ўтказгандан сўнг, беморларда операциядан кейинги эрта даврдаги асоратлар тури ва частотаси тўғрисидаги маълумотларнинг ретроспектив таҳлили асосида 52 та (43,3%) беморда патологик чандиклар кўринишидаги асоратлар аниқланган. Улардан, 39 (75 %) беморда гипертрофик, 13 (25%)да келлоид чандиклар.

2. Морфологик ва иммуногистохимёвий тадқиқот кўрсаткичлари деярли барча дермал компонентлар юзасида сукцинат (SUCNR1) рецепторининг мавжудлигини кўрсатди, бу ўз навбатида редерматизацияловчи терапияни тери хужайраларининг функционал фаоллигига, пролиферациясига, миграциясига, ўсиш омиллари, цитокинлар, хемокинлар секрециясига жалб қилинганлиги тўғрисида, яъни сукцинат натрийни терининг регенерацияси, янгилиниши ва репарациясига алоқадорлиги ҳақида далолат беради.

3. Иммунофермент таҳлил маълумотлари бўйича, редермализацияловчи терапия яллиғланишга қарши таъсирга эга (про- ва яллиғланишга қарши цитокинлар орасидаги нисбат асосий гуруҳ беморларида ўртача 1,6 марта (TNF-α/IL-10) ва 1,5 марта (IL-1β /IL-10) солиштирма гуруҳ цитокинларининг мос равишда кўрсаткичларидан паст бўлган (p<0,05));, полиферация фазасида фибробласт-хужайраларнинг фаоллигини оширади (IL-1β, TNF-α цитокинлар концентрациясининг ортиши).

4. Операциядан кейинги патологик чандикларни коррекциясида редермализацияловчи усулнинг қўлланилиши, терининг эпидермал – дермал

ва гиподермал структурасини тикланишига кўмаклашади, бу эпидермис қалинлигининг 1,4 марта, дерманинг 1,7 марта, гиподерманинг 1,6 марта ортиши билан, шунингдек тўқималарнинг акустик зичлигини ,8 марта ортиши билан кузатилади ҳамда Ванкуверов шкаласи бўйича ультратовушли манзарани 75%га яхшиланишига мос келади.

5. Редермализацияловчи терапиянинг қўлланилиши операциядан кейинги чандиқлар ҳолати кўрсаткичларини яхшиланишига кўмаклашиб, эстетик натижаларга ижобий таъсир кўрсатди, бу ҳаёт сифати дерматологик индексини (DLQI) аниқлаш натижаларига асосан беморлар ҳаёт сифатини ошириш имконини берган: POSAS шкаласи бўйича беморлар томонидан операциядан кейинги чандиқларни операциядан 3 ой сўнгра баҳолаш натижаларининг ўртача кўрсаткичлари асосий гуруҳда $1,7 \pm 1,8$ баллни, солиштирма гуруҳда $4,3 \pm 2,9$ баллни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12. 2019.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ЗУХРИДИНОВНА

**ПРОФИЛАКТИКА И ЛЕЧЕНИЕ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ РУБЦОВ
ЛИЦА**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.PhD/Tib1261

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.tsdi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziyo.net.uz.

- Научный руководитель:** **Абдуллаев Шариф Юлдашевич**
доктор медицинских наук, профессор
- Официальные оппоненты:** **Мирзакулова Ульмекен Рахимовна**
доктор медицинских наук, профессор (Республика Казахстан).
Амануллаев Рустам Азимжанович
доктор медицинских наук, профессор.
- Ведущая организация:** **Московский Научно исследовательский институт стоматологии (Российская Федерация).**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, город Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103, тел./факс: Тел.: (+99871)230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99. E-mail: tsdi2016@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за №___). Адрес: 100047, город Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103. тел./факс: (+99871) 230-20-65

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №___ от _____ 2021 года)

Н.К. Хайдаров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Л.Э. Хасанова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

У. А. Шукурова

